ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 15 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 121 (13.184)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони генерал Жозеф Вотелни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари янги лавозимга тайинлангандан сўнг мамлакатимизга илк бор келган меҳмонни қутлар экан, уни юксак ва масъулиятли лавозим билан табриклаб, фаолиятида муваффақиятлар тилади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, аввало, ўзаро манфаатга, жумладан, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга асосланган таъкидланди. Мунтазамлик касб этган турли даражадаги ўзаро алоқалар ва маслаҳатлар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган ҳамкорликни изчил ривожлантириш имконини бермоқда.

Учрашувда айрим халқаро ва минтақавий муаммолар, жумладан, Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш масалалари муҳокама этилди.

Генерал Жозеф Вотел Президентимиз Ислом Каримовга самимий қабул ва томонлар учун долзарб бўлган масалаларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдирди, АҚШ раҳбарияти мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра муносабатларни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

(ЎзА)



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ҚИЛИНГАН ИШЛАР САМАРАЛАРИ

Шоир Вафо Файзуллоҳ билан тез-тез суҳбатлашиб турамиз. Бир куни хонадонида меҳмон бўлиб, ундан-бундан гурунг қилдик. Гап айланиб, девордаги суратлар, жавондаги китоблар тарихига бориб тақалди. Ҳар бирига эринмай таъриф берди. Айниқса, яшаб турган уйининг ўзига хос тарихи ҳақида узоқ сўзлади.

У пайтлар аёли ва болалари 500 километр олисда, уларни соғиниб юрган бир "армонли шоир" эдим, деб бошлади ҳикоясини.

– Президентимизнинг мамлакатимизда ижодкор ёшларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга доир фармони ва унинг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарорини ўқиб, ёш ижодкорларнинг манглайини порлатиб юборадиган толе менинг ҳаётимда ҳам юз берса қани эди, дея жуда орзиққанман. Бу 1992 йилги гап.

Ўша йилнинг ноябрида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тавсияси билан қўлимга ўзимнинг уйим бўлиши ёзилган, манзили кўрсатилган ордерни тутқазишганида ҳам ишониб-ишонмай Сергелига оёғимни қўлимга олиб югурганман. Манзилни топганимдан кейин "Наҳотки, шу тўққиз қаватли уйнинг бир хонадони менга бепул берилган бўлса?" деган ҳаяжон вужудимни қамраб олган. Ўша ҳаяжон ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Ҳар сафар бу ҳиммат мустақил мамлакат, унинг доно Президенти, танти халқининг ўз келажаги бўлган ёшларга оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни оёққа турғизиб олишидаги илк кунлариданоқ кўрсатган ғамхўрлигининг чексиз намунаси бўлганига амин бўлаверараман. Ахир, халқимиз уй-жойни бекорга "бошпана" деб атамайди-да! Бу бошинг хатардан холи, уйинг бор экан, ҳар қандай мақсадингни рўёбга чиқариш учун сенда имконият бор, қолгани фақат ўзингга боғлиқ, дегани-да.

Бу уйдан ўзим ва оиламнинг бошпана топганини тақдирнинг менга марҳамати, деб билганман. Бу туфа мен ва мен каби ёш ижодкорларга Президентимизнинг эътибори, совғаси, ҳеч бир мукофот билан солиштириб бўлмас даражада рағбатлантириши, ёшларни амалий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши бўлган.

Ёш ўзбек давлатининг ана шу ҳиммати ва жўмардлиги бўлмаганида мен пойтахтда яшаб қолган, ўз йўлимни топган бўлармидим?! Чекка бир қишлоқдан оиламни кўчириб келиб, шу уйда ҳеч қийналмай умргузаронлик қилаётирман. Шу уйда қиз чиқардим, ўғил уйлантирдим. Ўзимнинг ҳам орзуларим рўёбига ҳеч бир монелик кўрмадим. Худди дарё бошида турган одамдай яшаяпман. Юрт фуқаролари янгича бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимояланган уларнинг ҳар соҳада жаҳон билан бўйлашиб, улкан ютуқ ва марраларга эришаётганининг асосий сабаби, деб биламан.

Ёшлар, ёш ижодкорлар бундан тўла баҳраманд эканини фақат уй-жой билан таъминланишидагина эмас, ижодий соҳада ҳам кўриш мумкин. Ўзимдан қиёс. Илк китобларимдан бири 19 йил олдин "Истеъдод" туркумида нашр этилган. Бу хайрли ишлар йил сайин кенг қулоч ёйиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Очиғи, шулар ҳақида ўйлар эканман, айтишим керакки, Ватанимиз, халқимиз, айниқса, ёшларига ғамхўр ва меҳрибон Юртбошимиз олдида ўзимни умрбод қарздор ҳис қиламан! Камтарона ижодим бу яхшиликлар олдида арзимас бўлиб қолади. Агар шу ҳимматга яраша халқимизнинг энг рост фазилатлари, жаннатмонанд ўлкамизнинг саховати ва гўзаллигини жиндак тараннум эта олсам, давлатимизнинг ўз халқи, келажагига мудом кўрсатиб келаётган ғамхўрлиги, одилона сиёсатига оддий фуқаролик изҳоримни айта олган бўлардим...

Вафо аканинг ҳикояси юртимизда аҳоли, хусусан, ёшларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги эзгу ишлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ йўлга қўйилганининг тасдиғидир.

Президентимизнинг 1992 йил 28 августдаги "Ўзбекистон ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида"ги Фармони асосида Нукус шаҳрида, барча вилоятлар марказида ёшларнинг энг муҳтож қисми учун 30 хонали, Тошкент шаҳрида 60 хонали уй-жой бинолари қурилиб, ёш ижодкорларга бепул берилган.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – САЙЁҲЛАР ЛОАҚАЛ БИР МАРТА КЎРИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИГАН ЮРТ

"Ўзбекистонга беш йил аввал келган эдим. Шу йиллар ичида юртингиз таниб бўлмас даражада ўзгарганини кўриб, ҳайратим ошди. Пойтахтингизда кўплаб замонавий иншоотлар, йирик савдо марказлари, муҳташам меҳмонхоналар қурилибди. Бу ердаги ҳар бир бино шаҳарнинг чиройини очиб турибди".

Бу – ҳиндистонлик сайёҳ Макеш Наримнинг сўзлари.

Дарҳақиқат, бугун ким билан суҳбатлашманг, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси кундан-кунга кўркам бўлиб бораётганини тўлқинланиб гапиради. Зеро, бунёдкорлик – халқимизнинг табиатига хос фазилат. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан обод қилинган муқаддас қадамжолар, шаҳар ва қишлоқларимизга кўрк бағишлаб турган замонавий иншоотлар, турар жой бинолари, боғлар, сайилгоҳлар, хиёбонлар, кўприк ва йўллар – барча-барчаси халқимизнинг фидокорона меҳнати, ғайрат ва шижоати маҳсулидир.

Мамлакатимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига ром этаётгани бежиз эмас. Президентимиз раҳнамолигида барча соҳа қатори туризмни ривожлантириш, юртимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилиб, дам олиш масканларида зарур шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, замонавий инфратузилма, меҳмонхона ва дам олиш масканларида йўлга қўйилган юқори сифатли хизматлар сайёҳларнинг кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

Сайёҳлик азалдан дунё халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар дунёни кўриш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳат қилган. Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, Тошкент қадимдан Европа ва Осиё мамлакатларини ўзаро боғлайдиган кўприк вазифасини ўтаган. Шу боис ҳудудда савдо-сотиқ, маданият ривожланган. ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон замонавий сайёҳлик инфратузилмасига, ривожланган давлатлар қаторида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлди. Мамлакатимизда хорижий сайёҳлар, ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида нуфузли анжуманлар ўтказилмоқда. Тошкент олий даражадаги учрашувлар, тинчлик ва дўстлик келишувлари, халқаро саммитларга мезбонлик қилиш борасида дунёдаги энг машҳур шаҳарлар қаторидан жой олди.

Бундан йигирма йил илгари юртимизда бармоқ билан санарли меҳмонхона фаолият кўрсатган бўлса, бугун сайёҳларга хизмат кўрсатувчи компаниялар, туроператорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. "Ўзбектуризм" миллий компаниясидан маълум қилишларича, мамлакатимизда 750 туроператор ва 570 меҳмонхона фаолият юритмоқда. Пойтахтимиз ва вилоятларда "Radisson", "Lotte", "Wyndham", "Ramada" каби дунёга машҳур отеллар билан бирга, кичик гуруҳларда ва оилавий саёҳат қилувчилар учун кўплаб хусусий меҳмонхоналар хизмат кўрсатмоқда. Улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати йил сайин ошиб бормоқда. Ўтган йили сайёҳлик хизматлари ҳажми 2014 йилга нисбатан 15,9 фоиз, шундай хизматлар экспорти 12,9 фоиз ўсган.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда меҳмонхона бизнеси муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари самарасида хорижий меҳмонлар ва делегацияларни қабул қилиш ҳамда уларга замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатиш имкониятига эга юзлаб меҳмонхоналар қад ростлади. Мавжуд меҳмонхоналар замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида реконструкция қилинди.

Истиқлолгача юртимизда бирорта ҳам беш юлдузли меҳмонхона бўлмаган. Бугунги кунда биргина Тошкент шаҳрида халқаро стандартлар асосидаги мувофиқлик сертификатига эга қирқдан зиёд меҳмонхона мавжуд. Уларнинг кўпчилиги тўрт ва беш юлдузли меҳмонхоналардир.

Меҳмонхоналарнинг дунё миқёсида тан олинган халқаро тармоғи мавжуд. Дунёдаги машҳур меҳмонхона тармоқлари – "Wyndham", "Lotte", "Radisson" каби брендлар остида хизмат кўрсатувчи отеллар энг ривожланган шаҳарларда фаолият кўрсатади. Пойтахтимиздаги "Wyndham Tashkent", "Lotte City Hotel Tashkent Palace", "Radisson BLU Tashkent" отеллари ана шулар жумласидан.

Пойтахтимиз марказида жойлашган, Шарқ ва Ғарб меъморлик анъаналарини ўзида мужассам этган "Lotte City Hotel Tashkent Palace" меҳмонхонаси сайёҳларга яхши таниш. Бу меҳмонхона Жанубий Кореянинг "Lotte" компанияси ҳамкорлигида халқаро талабларга мувофиқ модернизация қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Диққат, танлов!

"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ"

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган **"Энг улуғ, энг азиз"** анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– **ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;**

– **босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;**

– **телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;**

– **тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;**

– **кино санъати асарлари.**

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

– муаллифнинг паспорти нусхаси;

– иш жойидан тавсиянома;

– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **"Энг улуғ, энг азиз"** танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси.

Телефонлар: (0-371) 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон машинасозлик институтида очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Андижон машинасозлик институти, Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда академик лицей, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

• Жиззахда ўтказилган меҳнат ярмаркасида 259 корхона, ташкилот ва муассаса 1000 дан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди. Ярмарка доирасида корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, жумладан, "Жиззах" махсус индустриал зонаси таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Ярмаркада 200 дан ортиқ иштирокчи мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

• Термизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан ўтказилаётган "Ёш сиёсатчи – 2016" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Тунисдаги барча сайёҳлик иншоотларида хавфсизлик чоралари кучайтирилди.

• Австралиянинг Перт шаҳридан 30 километр узоқликда 60 ёшли ғаввос аёлга сув остида акула ҳужум қилди. Бир амаллаб сув юзасига чиқиб олган ғаввосни шериги қирғоққа олиб келишга муваффақ бўлган. Бироқ малакали тиббий ёрдам кўрсатилганига қарамай, олинган ўта оғир жароҳатлар сабаб, аёл ҳаётдан кўз юмди. Маҳаллий маъмурият ўша атрофлардаги барча сув ҳавзаларида чўмилишни тақиқлаб қўйган.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Сергели-5 мавзеси Ҳабибий номидаги маҳалладаги кўп қаватли уйлардан бирини “Ёш ижодкорлар уйи” дейишади. Боиси, ушбу тўққиз қаватли уй Президентимизнинг юқоридаги фармони асосида қурилган ва ёш ижодкорларга бепул тақдим этилган.

Ўтган йиллар давомида бу уйда истиқомат қилаётган ёзувчи, шоир, бастакор, санъаткор, олим, умуман, ижодкор оилалар ҳаётида улкан ўзгаришлар юз берди. Фарзандлар туғилиб вояга етди, тўю томошалар бўлди. Ватанимиз мустақиллигининг илк даврида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган бу эзгу ташаббус ушбу хонадон эгалари хотирасида энг бахтли воқеа сифатида муҳрланиб қолди.

Мустақилликдан аввал, собиқ тузум даврида кўплаб муаммолар орасида уй-жой таъминоти, айниқса, қийин бўлганлигини ўша йилларда оила қуриб, мустақил ҳаётга қадам қўйганлар яхши билади.

Президентимиз ижодкор ёшларнинг уй-жой шароитини яхшилаш, уларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда юртимиз ривожига қўшадиган ҳиссасини ошириш мақсадида қабул қилган фармони билан ёш ижодкорларга уй ажратилиши, яшаётганларининг турар жойлари текин хусусийлаштириб берилиши, ҳеч бир муболағасиз, беқиёс ғамхўрлик намунаси эди.

Кетмони учаётган ёшлар...

Ҳар қайси давлат ёш авлод тимсолида ўзининг орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни кўради. Ҳар ким вояга етиб, касб-ҳунарга эга бўлишни, ҳаётда ўз ўрнини топиб, оила қуришни истайди. Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи эзгу ва юксак марраларга эришишнинг асосий омилларидан биридир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Не бахтки, Ватанимиз ҳаётида бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар кўплигига қарамай, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашиш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, уй-жой билан таъминлаш, имтиёзли микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш борасидаги хайрли ишлар бугуни кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”, “Истеъмол кредити тўғрисида”ги қонунлари ва Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон ва қарорлари бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришга хизмат қилаётгани бунга ёрқин мисолдир.

Ушбу ҳужжатларга асосан ўтган йилларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ёш оилалар учун кўп қаватли уйлар қурилди. Битганлари пешма-пеш фойдаланишга топширилди. Уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун ёш оилаларга 15-20 йил муддатга мўлжалланган имтиёзли ипотека кредитлари берилди. Оилалар фаровонлиги ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратилди. Бундай хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёш оилаларга муайян тартибда уй-жой бериш билан бирга, маиший шароитларини яхшилаб олишлари учун ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратилмоқда. Бу ёш оилаларнинг рўзғорини бутлаш, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир ушбу фармони ва унинг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ, 2008 йилда ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди. 1 минг 300 ёш ўқитувчининг оиласига якка тартибда уй-жой





қуриш учун ер участкаси ажратилди. Меҳрибонлик уйлари битирувчиларини оилавий турар жой билан таъминлаш тизими яратилиб, улардан 90 нафарига янги квартира берилди.

2014 йилда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш, қуриш ва реконструкция қилиш, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари йўналтирилди...

Бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин. Бинобарин, бундай оталарча ғамхўрликдан баҳраманд бўлган ёш оилаларнинг шодлигига шерик бўлиш, дил сўзлари, қалб кечинмаларига қулоқ тутишнинг ўзи кифоя.

Шу ўринда фарғоналик ҳамкасбимиз Маъсуджон Сулаймоновнинг шундай бахтга муяссар бўлган ёш оилалардан бири ҳақидаги ҳикоясини келтирмоқчиман:

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи Президентимизнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир фармонига асосан ўтган йилларда 81 ёш оила учун янги уйлар қуриб берди. Ўз уйи, бошпанасига эга бўлган ёшлар орасида Абдулазиз Мирзағаниев ҳам бор.

Бир гал Абдулазизни кўриб қолганимда оғиз тўлдириб, “Бошпанангиз тайин, рўзғорингиз бут, кўнглингиз хотиржам бўлса, мақсад сари элтувчи йўлдан оғишмай дадил одимлар экансиз. Қаранг, бундан саккиз йил аввал қозонимни бошқа қилганимда оддий ишчи эдим. Янги уй ўзи билан бирга бахт, омад, шодлик келтирди. Бугун омбор мудириман. Шу уйда яна иккитага кўпайдик – фарзандларим учтага етди. Биласиз, оилада тўнғичиман. Ҳозир иниларим йигит бўлиб қолган. Оёққа туриб олиши ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишида кўмаклашаяпман. Кўз тегмасин, кетмонимиз учаяпти, ака!” – деди фарғонача лутф билан.

Унинг ёниб турган кўзларига боқиб, бугуни ёруғ, эртаси нурафшон юртнинг бахтдан масрур, юксак ғамхўрлик ва эътибордан сархуш фарзандларига ҳавасим келди. “Кетмонинг учаверсин, ука!” дедим...

Янги уйимизга марҳамат, меҳмон!

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида аҳолини уй-жой билан таъминлаш энг ўткир муаммолардан бири бўлиб турган, глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатида турар жойлар қурилиши кескин қисқараётган бир пайтда мамлакатимизда бу борадаги бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда.

Ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш борасидаги ишларни янги босқичда давом эттиришда Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ушбу ҳужжатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 4 қаватли 48-64 хонадонли “Камолот” уйлари барпо этиш ҳамда ижтимоий фаол ёш оилаларга узоқ муддатли кредит эвазига (бошланғич бадалсиз) бериш белгиланган. Бу вазифаларни тизимли амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, мазкур қарор кучга киргандан бери мамлакатимизнинг элликдан ортиқ ҳудудида “Камолот” уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга топширилган.

Яқинда шундай уйлардан бири Сайхун соҳилидаги сўлим ва обод шаҳар – Бекободда қуриб битказилиб, ижтимоий фаол ёш оилаларнинг бир гуруҳига берилди. 16 хонадондан иборат 4 қаватли уйга кўчиб ўтган барча хонадон соҳибларининг кўзларидаги учқунни, юрак дупурини таърифлай олсам, кошки!

Фарзандларини боғчага элтиш учун узоқ йўл босишга мажбур бўлган, айниқса, баҳор ёмғири-ю, қишнинг қаҳратонида хўп қийналган Озода Абдувалиева мушкули ариганидан хурсандлигини яширолмай шундай деди:

– Қани энди, боғча ҳам, мактаб ҳам уйингнинг шундоқ ёнида жойлашган бўлса, деб орзу қилардим. Яхши ният – ярим давлат, деганлари рост экан. Йўқса, орзуимдагидек уйга кўчиб ўтармидик?! Эшикдан кира солиб, хоналарга кўз ташладим: ошхона, меҳмонхона, ётоқхона, болалар хонаси... Ошхонада табиий газ дейсизми, иссиқ сув, совуқ сув дейсизми, бари муҳайё. Шукр, энди қулай шарт-шароит рўзғор юмушларини енгиллатади, фарзанд тарбиясига кўпроқ вақт ажратамиз. Бу уй Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами олдидан Президентимизнинг биз, ёш оилаларга муносиб совғаси бўлди. Уйнинг 5 йиллик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга берилгани ва бошқа бир қатор имкониятлардан ота-оналаримиз ҳам хурсанд. Шундай озод ва обод юрт фуқароси эканимиздан фахрланамиз. Энди бемалол уйимизга марҳамат, меҳмон, деб баралла айта оламиз.

Булар ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган ишлардан айрим мисоллар, холос. Ёшларга моддий ва маънавий кўмак беришни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлаш ва мустақил ҳаётга кириб келишида уларга мададкор бўлиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рағбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар бундан-да улуғвор...

...Вафо Файзуллоҳ билан узоқ гурунг қилдик. Кетишга чоғланганимда, бир янгиликнинг учини чиқарди: ҳадемай неварали бўларкан...

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЭРТАНИ ЎЙЛАБ ҚИЛИНГАН ИШЛАР САМАРАЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН – САЙЁҲЛАР ЛОАҚАЛ БИР МАРТА КЎРИШНИ ОРЗУ ҚИЛАДИГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилган, – дейди “Lotte City Hotel Tashkent Palace” меҳмонхонаси бош менежери Ли Жонг Рак. – Бу Ўзбекистонга бўлган қизиқишимизнинг ортишига, йирик лойиҳаларни амалга оширишимизга кенг йўл очмоқда. Тўрт юлдузли меҳмонхонамизда мижозларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатилади. Бу ерда ишни ташкил қилиш, мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича дунё тажрибасидаги самарали тизим, соҳадаги энг сўнгги янгиликлар жорий этилган.

Меҳмон кутиш, унга иззат-икром кўрсатиш халқимизга хос эзгу қадриятлардан. Буни пойтахтимиз меҳмонлари ҳам алоҳида эътироф этади.

– Ўзбекистоннинг бетакрор маданияти ва ноёб табиати ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларингизни инсон ўз умри давомида ҳеч бўлмаганда бир марта бориб кўришни орзу қилади, – дейди “Bohemia Lazne” компанияси директори Йижи Шлука (Чехия). – Чехияда ҳам ўзбек халқининг бой маданияти, қадимий тарихи ва бугунги куни билан танишишга қизиқиш жуда катта. Мамлакатингизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, пойтахтингиз тобора кўркамлашиб бормоқда. Меҳмонхоналар кўпайиб, туризм инфратузилмаси ва сервис жадал такомиллашмоқда. Бунёдкор халқингиз амалга ошираётган бундай хайрли ишлар таҳсинга лойиқ.

– Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини юксалтириш борасидаги ислоҳотларнинг қамрови тобора кенгайиб бораётир, – дейди япониялик ишбилармон Нобуе Шиндо. – Сайёҳларни кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, саёҳатлар ташкил этиш юксак даражада. Японияликлар орасида Ўзбекистонни лоақал бир бор кўриш истагида бўлганлар кўп. Боиси юртингиз кишини ҳайратга соладиган мўъжизаларга ниҳоятда бой. Бу гал “Wyndham Tashkent” меҳмонхонасига жойлашдим. Ушбу отелда яратилган қулай шароит, юксак дид билан безатилган шинам хоналар, доимий мўътадил ҳаво ҳар қандай кишига манзур бўлади.

Дунё миқёсида якка тартибда саёҳат қилишга қизиқиш ортиши ихчам хусусий меҳмонхоналар тармоғини ривожлантиришни тақозо этаётир. Мамлакатимизда хусусий меҳмонхоналар ҳам жадал ривожланмоқда. Ҳозир юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, кўркам ва шинам, хизмат кўрсатиш борасида бир-биридан қолишмайдиган ана шундай меҳмонхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Ўйга толасан киши: мустақилликдан илгари биров хусусий меҳмонхона ёки ресторан қурибди деса, ишонармидик?! Сабаби бунинг иложи ҳам, имкони ҳам йўқ, бундай ишни қилишни тасаввур ҳам этиб бўлмасди. Шукрки, истиқлол туфайли бугун тадбиркор юртдошларимиз мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, меҳмонхона ҳам, ресторан ҳам – истаганини очмоқда, ҳам ўзига, ҳам элу юртига наф келтирмоқда.

Мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш жараёнида кадрлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм йўналишидаги коллежлар, Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайёҳлик факультети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда пойтахтимиздаги Сингапур менежментини ривожлантириш институтида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур таълим даргоҳларида ташкил этилган махсус меҳмонхона марказлари талабаларнинг назарий билимини амалда мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Соҳада чет эллик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун қулай шароитлар яратилган. Бу борада “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ташкил этилаётган маркетинг лойиҳалари – мега-инфо-турлар яхши самара бермоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Нидерландия, Венгрия, Сингапур каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Меҳмонхона ва ресторан бизнеси сайёҳликнинг энг кўп даромад келтирадиган тармоқларидандир. Соҳа вакиллари ўртасида миллий ва хорижий тажрибани оммалаштириш, уни янада ривожлантириш истиқболларини очиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳузурида Ресторан ва меҳмонхона бизнесини ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. Айни пайтда етакчи ресторатор ва отельерлар билан муаллифлик учрашувлари ўтказилмоқда. Бу меҳмонхона ва ресторан бизнесига қадам қўяётган ёшларимизнинг соҳага оид амалий билим ва кўникмасини оширишга, иш юритиш қоидалари билан бевосита таништиришга хизмат қилаётир.

Меҳмонхона ва ресторан бизнеси ривожида хизмат кўрсатувчи касб эгалари, хусусан, официантларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, официантлар ҳар қандай дам олиш ва овқатланиш муассасасининг юзи ҳисобланади. Уларнинг сифатли хизмати, самимий муносабати мижозларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, муайян муассаса, қолаверса, мамлакат обрўси юксалишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз ресторанларида хизмат кўрсатиш жаҳон андозалари даражасида йўлга қўйилган. Соҳа ходимларининг малакасини ошириб бориш мақсадида халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида официантлар учун ресторанда хизмат кўрсатишга оид қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз меҳмонхона ресторанлари ходимлари ва сайёҳлик касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Сайёҳлик бизнесининг муҳим соҳаларидан бири гид хизматидир. Зеро, ҳар бир сайёҳ гидлар ёрдамига эҳтиёж сезади. Ўзбекистонда юқори малакали гидлар тайёрлашга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётир. Бугун мамлакатимизнинг турли ҳудудлари билан танишаётган хорижлик сайёҳлар гидлар хизматидан кенг фойдаланмоқда.

“Ўзбектуризм” миллий компаниясининг Республика илмий-ўқув консалтинг маркази ана шундай мутахассислар тайёрланмоқда. Сайёҳлик корхоналари раҳбарлари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатувчи гидлар учун тренинглар ўтказилиб, ўз сайёҳлик фирмасини очаётган тадбиркорларга маслаҳат хизмати кўрсатилмоқда. Гидларнинг малакасини ошириш мақсадида йирик сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар, ресторанлар, хорижий шериклар ва инвесторлар билан ҳамкорликда амалий семинарлар ташкил этилаётир. Мамлакатимизнинг гид-таржимонлари ва экскурсоводлари ҳақида маълумотлар банки шакллантирилиб, доимий равишда янгилаб борилмоқда.

– Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори сайёҳлик йўналишида иш юритувчилар учун ғоят қулай шароит яратилгани, уларнинг ўз фаолиятини олиб бориши учун барча имкониятлар очиб берилгани таҳсинга сазовор, – дейди ЎзА шарҳловчисига Таиланд меҳмонхоналари уюшмаси бош котиби Сучин Жизнжитлерт. – Ўзбекистон шаҳарлари дунё сайёҳлари учун жуда қулай. Юртингизнинг музей ва галереялари, замонавий меҳмонхоналари, юқори сифатли хизмат кўрсатувчи ресторанлар ва бошқа кўплаб дам олиш масканлари бизга жуда манзур бўлди.

Ҳа, хушманзара оромгоҳларимиз, шинам меҳмонхоналаримиз хорижнинг машҳур курорт ва отеллари билан тенгматенг беллаша олади. Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, ўзбекона бағрикенглик ва меҳмондўстлик сайёҳликни ривожлантириш учун улкан имкониятлар эшигини очаверади.

Нодира МАНЗУРОВА

БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан Президентимизнинг шу йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори ижросига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда партия марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Отамуродов ва бошқалар мамлакатимизда демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислоҳотлар самараси Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган миллий тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканлигини намоён этаётганини таъкидлади.

Энг улуғ ва энг азиз байрамимизга бағишлаб “Тинчлик ва осойишталик – барча ютуқларимиз асоси”, “Истиқлолнинг янги авлоди: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!”, “Оилалар саодати – мустақиллик самараси”, “Ўзбекистон мустақиллик йилларида. Ким эдигу ким бўлдик?”, “Мустақиллик – миллий тикланиш ва юксалишдир”, “Эртанги кун бизники, марра бизники!” каби мавзуларда форум, фестиваль, тадбир ва учрашувлар ташкил этиш режалаштирилган.

“Гўзал ва бетакроримсан, мукаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказиладиган мазкур тадбирларда истиқлол йилларида эришилган ютуқларнинг туб мазмун-моҳиятини халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш, бой тарихий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб этиш каби мақсадлар кўзланган.

– Мазкур тадбирларда мустақиллик ҳаётимизни тубдан ўзгартиргани, ўзлигимизни англаш, фаровон ҳаёт ва ёруғ келажагимизни барпо этиш йўлида беқиёс имкониятлар очиб бергани аҳоли, айниқса, ёшларга аниқ мисоллар билан етказилади, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодиржон Мухторов.

Тадбирда бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраш, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

А.ҚИЁСОВА

Реклама ўрнида

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ,
МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Мамлакатимизда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайликлар яратиш, имтиёз ва енгилликлар беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда АТБ “Капиталбанк” томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

БАНК КРЕДИТЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Жумладан, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида тадбиркор аёллар учун банк томонидан 33 780,4 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ушбу маблағлар янги корхоналарни ташкил қилиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарни жалб қилиш учун сарфланмоқда.

“Alibek Marjona Tekstil” хусусий корхонаси банкнинг доимий мижозларидан бири ҳисобланади. Корхона фаолиятининг ривожланишида банк кредитлари катта суянч бўлмоқда.

– Корхонамиз 2013 йилда фаолиятини бошлаган бўлиб, бугунги кунда тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариб келмоқда, – дейди “Alibek Marjona Tekstil” хусусий корхонаси раҳбари У.Ахунова. – 2014 йилдан буён АТБ “Капиталбанк” билан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. 70 миллион сўм кредит олиб, корхонамиз хомашё базасини мустаҳкамлаб олдик. Ишлаб чиқариш кўлами кенгайиб, маҳсулотларимиз сифат жиҳатдан яхшиланиб бораётир. Бир нечта янги иш ўринларини ҳам ташкил этдик. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтириш ниятидамиз. Бунда албатта АТБ “Капиталбанк” билан ҳамкорлигимизни давом эттирамиз.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бошқа йўналишларини ривожлантиришга, эндигина иш бошлаган ёш тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилишни кўпайтириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорларига асосан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга 23 021,0 миллион, ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга 24 283,1 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 9 867,6 миллион, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 646,4 миллион ҳамда коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун 1 138,2 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бундан кўриниб турибдики, АТБ “Капиталбанк” томонидан кўрсатилаётган молиявий кўмак тадбиркорларнинг фаолияти ривожига, маҳсулот тури кўпайишига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Фаррух БАҲРОМОВ,
Тошкент Молия институти магистранти

Хизматлар лицензияланган

ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Мамлакатимизда азалдан меҳр-мурувват, қадр-қиммат деган тушунчалар муқаддас саналади. Айниқса, эл-юрт бахт-саодати, тинчлик-фаровонлиги йўлида хизмат қилган инсонларнинг иззати юқори қўйилади.

Истиқлол йилларида ватан тинчлиги ва осойишталигига раҳна солишга уринган бир тўда ақидапараст ва террорчиларнинг йўлини тўсиш, жиноятчиларнинг пайини қирқишда эл-юрт осойишталиги, фуқароларимизнинг хавфсизлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимларида хизмат қилиб жон фидо қилган посбонларнинг жасоратлари, ёрқин хотираси ҳамиша ёдга олиб турилиши қадриятларимизнинг ажралмас бўлагидир.

Дарҳақиқат, "Ватан – азиз, жасорат – мангу". Она юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қилиш энг шарафли иш. Тинчлик учун кўксини қалқон қилган бундай мард ўғлонлар, уларнинг жасорати ҳеч қачон унутилмайди, қалбларда мангу яшайди. Юртимизда одамийликни эъзозловчи инсонлар бор экан, ўз тарихини, аждодларини доим хотирлайди ва фидойи юртдошлари, мамлакатнинг буюк келажаги йўлида меҳнат қилаётган инсонларнинг қадрига етади.

Ички ишлар вазирлиги ва унинг тизимларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларининг порлоқ хотирасини ёд этиб, уларга ҳурмат бажо келтириш, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш борасидаги турли тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

"Истиқлол" санъат саройида ИИВ Маданият саройининг ашула ва рақс ансамбли томонидан "Дилларда Ватан мадҳи" деб номланган катта хайрия дастурининг намойиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Концертда халқимиз ардоғидаги санъаткорлар Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Тожибар Азизова, Юлдуз Турдиева, Дилноза Исмиянинова, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари Фарҳод Қамбаров, Гўзал Жуманиёзова, Машҳурбек Раимжонов, хонандалар Шерали Бекмуродов, Даврон Аҳмедов, Суҳроб Ҳамдамов ва бошқалар қатнашиб, ватанни, ўтганлар жасоратини мадҳ этувчи куй-қўшиқлардан куйлашди, "Сабо" ансамбли рақсалари қўшиқларга мос ҳиром айлаб, йиғилганларнинг кўнглини хушнуд этишди.

— Ушбу концерт дастурини ўтказишдан мақсад ички ишлар идораларида хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари, ногирон бўлиб қолган ходимлар ҳамда фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, уларни маданий ҳордиқ чиқаришларини ташкиллаштиришга қаратилган, — дейди ИИВ Маданият саройи қошидаги ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари Учқун Тиллаев. — Томошага нафақат ички ишлар идоралари ходимлари, шунингдек, кам таъминланган оилалар, "Меҳрибонлик" уйи, ногиронлар жамияти аъзолари ҳам таклиф этилди. Апрель-май ойларида 300 дан ортиқ кам таъминланган, хизмат вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига моддий ва маънавий кўмак берилиб, хайрия концертлари ўтказилди. "Истиқлол" санъат саройида ўтказилган хайрия концерти эса бу эзгу ишларнинг Республика миқёсидаги якуний босқичи бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Тадбир сўнгида хизмат пайтида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди.

З.ШАРИФЖОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ ходимларга сертификатлар топширилди.

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ МАЛАКА ОШИРДИ

Тадбирда академия ректори М.Алиев, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотлар маъно-мазмунини теран англайдиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, ташаббускор, фаол, изланувчан кадрларни тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мазкур йўналишда тизимли ишлар йўлга қўйилиб, мутахассисларнинг касб малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарлар, конференциялар мунтазам ўтказилмоқда. Академияда ташкил этилган навбатдаги малака ошириш курсларида туман ва шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлимлари бошлиқлари, тизимдаги музейлар раҳбарлари малака оширди.

Ҳалқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказиш музей раҳбарлари зиммасига катта масъулият юклайди. Зеро, бугунги раҳбар билимли, ўз касбининг сир-асрорларини чуқур эгаллаган бўлиши билан бирга, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини, Ватан равнақига дахлдорлик ҳиссини теран англаши талаб этилади.

– Музейларимизнинг маънавий-маърифий аҳамияти тобора ортиб бормоқда, – дейди ЎзА мухбирига Ўзбекистон давлат санъат музейи директори Васила Файзиева. – Шу маънода, музей ходимлари ўз билимини муттасил бойитиб, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, дунёдаги турли жараёнлардан ўз вақтида хабардор бўлиб бориши ғоят муҳимдир.

Малака ошириш курсларида "Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси", "Конституциявий ҳуқуқ", "Ахборот хавфсизлиги", "Менежмент ва лойиҳаларни бошқариш", "Бошқарув социологияси ва психологияси", "Умумжаҳон тараққиёти ва Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш стратегияси" каби мавзуларда очиқ мулоқотлар ўтказилди.

Тингловчилар пойтахтимиздаги музейлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, театрлар, маданият ва истироҳат боғлари фаолияти билан танишди.

Н.УСМОНОВА



ЭЪЛОН!

Сўнгги кунларда бир қатор интернет нашрлар ва ижтимоий тармоқларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент Саммити ўтказилиши муносабати билан Тошкент шаҳри 2016 йилнинг 16 июнь кунидан тўлиқ ёпилиши ва транспорт воситаларининг шаҳарга кириши чекланиши ҳақида асоссиз маълумотлар тарқатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бундай маълумотлар асоссиз эканлигини, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкент Саммитини ўтказиш давомида Тошкент шаҳрига кириш ва ундан чиқишга доир ҳеч қандай чекловлар мавжуд эмаслигини, фақатгина тадбир ўтказиладиган жойлар ва уларнинг атрофида транспорт воситаларининг ҳаракати айнан тадбирлар жараёнида вақтинчалик ва қисман чекланишини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХ Бош бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН АРХИВИ:

КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архивида "Мустақил юрт архивлари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви билан ҳамкорликда юртимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Халқаро архивлар кунига бағишлаб ташкил этилди. Тадбирда мустақиллик йилларида турли соҳалардаги ривожланиш, ёшларга яратилган имкониятлар, имтиёзлар, шунингдек, республика архивларининг мустақиллик даврида эришган ютуқлари, ўрнатилган халқаро муносабатлар ҳақида сўз юритилди.

Тадбирда сўзга чиққан "Ўзархив" агентлиги бош директори ўринбосари Д.Кўчарова ва бошқалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида архив ишини ривожлантириш, ушбу муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Давра суҳбати доирасида "Ўзбекистон архивлари: кеча ва бугун" номли фотокўргазма ташкил этилиб, унда Ўзбекистон архивларининг мустақилликка ва мустақиллик давридаги фаолияти солиштирма шаклда ёритиб берувчи фотосуратлар намойиш этилди.

– Сўнгги йилларда миллий архив фонди ҳужжатларининг сифатли сақловини таъминлаш мақсадида 22 та янги архив биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди, – дейди "Ўзархив" агентлиги матбуот хизмати раҳбари Адҳамжон Усмонов. – 5 та архив биноси реконструкция қилинди. Архив ҳужжатларининг умрини узайтириш ва келажак авлод учун сифатли етказиш борасида барча давлат архивларида сақланаётган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг электрон нусхалари яратилди. Фуқароларнинг архив иши ва архив ҳужжатларига бўлган қизиқиши ортгани сабабли архив ҳужжатлари асосида кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Давра суҳбатида "Ўзархив" агентлиги тизимидаги вакиллар, фахрли меҳмонлар, Яшнобод қурилиш касб-ҳунар ҳамда Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежлари ўқувчилари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоно ҳужжатлари марказий давлат архиви етакчи архивчиси А.Абдуқодирова Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви катта илмий ходими Н.Мирзаевнинг "Архив: кеча ва бугун", "Мустақилликнинг ёшлар учун очиб берган имкониятлари", Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси О.Раҳимжонов, Б.Ибрагимов "Мустақил Ўзбекистон архивлари ёшлар талқинида" ва Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Ш.Қобиловнинг "Жаҳон архивларининг ишлаш услублари" мавзуида маърузалари тингланди. Маърузаларда мустақиллик йилларида юртимиз архивларидаги ижобий ўзгаришлар, замонавий технологиялар билан таъминланиши, янги бино, қўшимча сақловхоналарнинг фойдаланишга топширилиши, архивларда ходимлар ва фойдаланувчилар учун қулай шароитлар яратилганлигига тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, тадбирда алоҳида қимматли ҳужжатлардан тайёрланган архивлар фаолиятини ёритиб берувчи видеоролик ва тарихий киноҳужжатлардан лавҳалар намойиш этилди.

Давра суҳбати якунида муҳокама ва мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда "Фуқароларнинг коррупция ҳолатларининг олдини олиш бўйича хабардорлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА БАҒИШЛАНДИ

Унда мамлакатимиздаги оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари иштирок этди.

Жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишда жиноятчиликка, хусусан, коррупцияга қарши курашиш долзарб аҳамиятга эга.

Коррупция глобал муаммолардан бири бўлиб, у фуқароларнинг ижтимоий адолатга, давлат органларига нисбатан ишончини сусайтиради. Бу муаммога қарши курашиш борасида кўплаб халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда бу борада қабул қилинган халқаро ҳужжатларни ратификация қилиш билан бирга, коррупция ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда унинг олдини олишга қаратилган миллий ҳуқуқий база ва тизимли амалиёт шаклланган.

Семинар-тренингда журналистлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг коррупция ҳолатларига қарши курашиш масалаларида хабардорлигини ошириш, ижтимоий шериклик доирасида иштирокчилар томонидан қўшма иш режалари ишлаб чиқиш, ОАВда коррупцияга қарши кураш, журналистик суриштирувини ўтказиш ва ушбу мавзуни таҳлилий ёритиш бўйича касб кўникмаларини ўзлаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Н.НАСРИЕВ

Одам савдосига қарши курашиш – долзарб вазифа

ОГОҲЛИК – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Тошкент Тиббиёт академиясида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан одам савдосига қарши курашиш борасидаги ишларга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, навқирон авлодни турли таҳдидлардан, хусусан, одам савдосидан асраш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда. Партия томонидан мазкур қарор ижроси доирасида ўтган йили таълим муассасаларида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Мазкур тадбирларда одам савдосидан огоҳ бўлиш ва унга қарши курашиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Давра суҳбатида ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, интернет маданиятини шакллантириш, йигит-қизлар онгини ёт ғоялар таъсиридан асраш ҳақида сўз юритилди, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси ўқитувчиси Н.Зикирова. – Таълим даргоҳларида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида ўтказилаётган бундай тадбирлар ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда "Одам савдоси – давр муаммоси", "Интернет тармоғида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари", "Интернет маданиятини юксалтиришнинг долзарб муаммолари" мавзуларида маърузалар тингланди, фикр алмашилди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Sirg"ali dehqon bozori" АЖ акциядорлари диққатига!

"Sirg"ali dehqon bozori" АЖ Кузатув Кенгаши 2016 йил 29 июнь куни соат 11.00да акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш жамият маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Манзил: Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, Сергели-6 мавзеси.

Эл.почта манзили: serg'eli bozori @mail.ru

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси: 2016 йил 9 июнь.

Акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси: 2016 йил 23 июнь.

Умумий йиғилиш кун тартиби:

1."Sirg'ali dehqon bozori" АЖнинг 2015 йил фаолияти якуни юзасидан жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш ва унинг фаолиятига баҳо бериш.

2.Жамиятнинг 2015 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиш.

3.Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.

4.Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5.Жамият Кузатув Кенгашининг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи.

6.Жамиятнинг 2015 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб-варағини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

7.Жамиятнинг 2016 йилга мўлжалланган "Бизнес-режаси"ни ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси"ни тасдиқлаш.

8.Жамиятнинг директори билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

9.Жамиятнинг Кузатув Кенгашини сайлаш.

10.Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

11.Жамият Уставига ўзгартириш киритиш.

12."Жамият акциядорлари умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом"га ўзгартириш киритиш.

13."Жамиятнинг Кузатув Кенгаши ҳақидаги Низоми"га ўзгартириш киритиш.

14."Жамият ижроия органи ҳақидаги Низом"га ўзгартириш киритиш.

15. Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 декабрдаги 366-сонли қарори ҳамда 2016 йил 22 мартдаги 216-ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш.

17.Жамиятда "Корпоратив бошқарув Кодекси"ни жорий қилиш.

18.Жамиятни ўрта муддатга ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш.

19.Жамиятни узоқ муддатга ривожлантиришнинг стратегиясини тасдиқлаш.

Акциядорлар умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келишлари, юридик шахс вакиллари ишончнома билан келишлари шарт.

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш юзасидан ахборот билан жамият маъмуриятида 23 июндан танишиш мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2016 йил 29 июнь соат 10-00 дан бошланади.

Маълумот учун телефон: 251-34-64

ЖАМИЯТНИНГ БАРЧА АКЦИЯДОРЛАРИГА!

Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 2014 йил 6 майда янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан ушбу қонуннинг 62-моддасида акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларга уларнинг электрон почтасига ҳам юборилиши кўзда тутилган. Шу муносабат билан ўзингизнинг почта манзилингиз ҳақида жамиятга маълумот тақдим этишингизни сўраймиз.

Спорт янгиликлари

УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР ВА ОЧКОЛАР

Ниҳоят қисқа муддатли таътилдан сўнг футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXV миллий чемпионатининг 11-тур баҳслари бўлиб ўтди.

Ушбу турда айтиш жоизки, мухлислар бир нечта ҳаяжонли, муросасиз беллашувларга гувоҳ бўлишди.

Бир нечта учрашувларда муваффақиятсиз иштирок этиб, муҳим очколардан маҳрум бўлган амалдаги чемпион "Пахтакор"га бу сафар омад кулиб боқди. Жиззахда "Сўғдиёна" меҳмони бўлган пахтакорчилар Жамшид Искандаров томонидан мезбонлар дарвозасига киритилган ягона гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар қучиб, муҳим очколарни қўлга киритишди.

Чемпионат пешқадами "Локомотив"ни изма-из таъқиб қилиб келаётган "Бунёдкор" жамоаси ўз майдонида "Қизилқум" билан куч синашиб 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Меҳмонлар дарвозасини Алимпиевич ва Б.Насимов аниқ нишонга олишди.

Шунингдек, жорий йилда ўз олдига фақат чемпион бўлишни мақсад қилган "Локомотив" Тошкентда "Бухоро" жамоасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва пешқадамлик мавқеини сақлаб қолди.

Турнинг қолган беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: "Нефтчи" — "Қўқон-1912" — 2:1, "Металлург" — "Андижон" — 3:1, "Машъал" — "Обод" — 5:0, "Навбаҳор" — "Насаф" — 2:2, "Шўртан" — Олмалиқ" — 4:3.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Отабек Мирсоатов олган сурат

Ёзги таътилда аксарият ўқувчилар тоғ-ён бағрида жойлашган сўлим оромгоҳларда ёки мактаблар қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб, соғлиқларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишади. Гап, мана шу оромгоҳларнинг мавсумга қай даражада тайёргарлигига боғлиқ. Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда сўз борди.

ЁЗ — ЎТМОҚДА СОЗ

Йиғилишда бу йил ҳам мутасадди ташкилотлар томонидан 26 та оромгоҳларда ва 36 та умумтаълим мактабларида ёзги мавсумга пухта тайёргарлик ишлари олиб борилганлиги қайд этилди.

— Оромгоҳларга тайёргарлик кўриш ишларини барвақт бошлаганмиз, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Ирода Ҳикматова. — Яқинда мутасаддилар иштирокида ўқув-амалий семинари ўтказилди. Жорий йилда оромгоҳларда 43 мингдан ортиқ болажонлар соғломлаштирилади. Айни пайтда шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 700 га яқин болажонлар дам олмоқда. Шу билан бирга бир неча хусусий оромгоҳлар ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Манзилли дастурга кирган 7 та оромгоҳ таъмирдан чиқарилди. Айниқса, "Қуёшли", "Семурғ", "Сокол" оромгоҳлари мавсумга яхши тайёргарлик кўрди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан оромгоҳларда турли маданий-маърифий тадбирлар, акциялар, викторина ҳамда савол-жавоблар ўтказилиши режалаштирилган.

Матбуот анжуманида иштирок этган Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Элёр Акбаровнинг маълумот беришича, бугунги кунда барча шароит ва қулайликларга эга бўлган 36 та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилган. Улар фаолияти 13 июндан 5 августгача давом этади ва 16 минг нафар ўқувчи дам олиши режалаштирилган. Оромгоҳлар 4 та этапда 10 кундан фаолият кўрсатади. Кундузги оромгоҳларнинг кундалик фаолияти 8.30 дан 14.10 га қадар давом этади.

Ёзги таътил вақтида оромгоҳларга жалб этилмайдиган ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш масалаларига ҳам эътибор берилган. Шу мақсадда 228 та мактаб қошида спорт-соғломлаштириш майдончалари ташкил этилиб, улардаги 2033 та тўгарак ва спорт секцияларига 40 мингдан зиёд ўқувчи қамраб олинади. Спорт-соғломлаштириш майдончаларига 1-6-синф ўқувчилари душунбажума кунлари соат 8.30 дан 12.00 гача, 7-8-синф ўқувчилари 14.30 дан 17.00 гача жалб этилиши тавсия қилинмоқда.

Ёзги таътил даврида пойтахтимиздаги 12 та "Баркамол авлод" болалар марказларидаги тўгаракларга 7 минг 900, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига 17 минг 510, мактаб ва маҳаллалардаги спорт майдончаларига 153 минг 500, ҳамкор ташкилотлар билан 10 та спорт турлари бўйича ўтказиладиган "Ёзги таътил – 2016" спорт мусобақаларига 49 минг 899, жами 228 минг 809 нафардан зиёд ўқувчилар қамраб олинади.

Шунингдек, оромгоҳларга жалб этилмаган умумтаълим мактаб ўқувчи-ёшлари учун болалар спорт объектларида спорт мусобақалари ўтказиш бўйича манзилли Дастур ишлаб чиқилди. Шу асосда 204 маротаба спорт мусобақалари ўтказиш ва 28 минг 347 нафар ўқувчини қамраб олиш белгиланган.

Анжуманда вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан боғлиқ масалалар хусусида ҳам сўз борди.

— Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимининг 2016 йил 27 май куни қабул қилган фармойиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Фаррух Иноятов. — Тизимдаги 108 та ўрта таълим муассасаларида, маҳаллалар ҳудудида жойлашган спорт майдончаларида, сузиш ҳавзалари имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда спорт-соғломлаштириш тўгаракларини ташкил этиш белгилаб олинган. Фармойишга мувофиқ Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, меҳнат бошқармалари, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла", хайрия жамоат фонди томонидан қўшма қарор қабул қилиниб, биргаликда иш олиб борилади, мақсад ёз мавсумида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Қ.ЗОКИРОВ

ЎРТОҚЛИК ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Ҳиндистонда бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраётган 16 ёшгача бўлган Ўзбекистон жамоаси Беларусь билан иккита ўртоқлик учрашуви ўтказиш борасида келишувга эришди.

Темур Олимхўжаев бошчилигидаги терма жамоанинг Беларусга қарши ўртоқлик учрашувларининг дастлабкиси 25 июнда бўлса, иккинчи ўйин 27 июнь санасига белгиланган. Беллашувлар Минск шаҳрида бўлиб ўтади. Ҳар икки ўйин маҳаллий вақт билан соат 18:00да бошланиши белгилаб қўйилган.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Осиё чемпионати финал босқичига ташланган қуръа натижасига кўра КХДР, Таиланд ҳамда Яман жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин олган.

Олимхўжаев шогирдлари турнирни 17 сентябрь куни Таиландга қарши ўйин билан бошлайди. 20 сентябрда Яман ва 23 сентябрь куни КХДР ўсмирларига қарши майдонга тушади.

Ўзбекистонлик ФИФА рефериси — Азиз Асимов Таиландда ўтказилган "Қирол Кубоги" турнири доирасидаги Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Иордания терма жамоалари ўртасидаги муҳим учрашувни бошқарди.

МУХЛИСЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАДИ

Мусобақанинг ярим финал ўйинлари доирасида БАА ҳамда Иордания терма жамоалари ўзаро майдонга тушишди. Мазкур учрашувни ўзбекистонлик ФИФА рефериси Азиз Асимов бошқариб борди. Учрашувда Асимовга қанотда ўзбекистонлик ФИФА лайнсмени А.Усмонов ёрдам берган. Яна бир лайнсмен сифатида эса, малайзиялик Шаҳрин бин Умар ишлаган. Учрашувда Иордания терма жамоаси 3:1 ҳисобда ғалаба қозонди ва финалга йўл олди.

Эслатиб ўтамиз, Таиландда ҳар йили анъанавий тарзда бўлиб ўтадиган мусобақада турнир мезбони Таиланд, БАА, Иордания ҳамда Сурия терма жамоалари иштирок этишди.

Ботир Хўжаев

Ўз-ўзи ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Умрнинг ҳар бир палласи ибрат мактабидир.

* * *

Эҳтиросларнинг туманида ҳақиқат кўринмайди.

* * *

Кимни кўзи фош этади, кимни сўзи.

* * *

Қизғанчиқнинг моли увол.

* * *

Имкон борида фойдаланиш, йўғида сабр қилиш керак.

* * *

Бир фикр иккинчисига туртки беради.

* * *

Тажрибасизлик кишига ҳар қадамда панд беради.

* * *

Шукр ва қаноат олий даражадаги хотиржамликдир.

* * *

Нима хоҳлашини билмайдиган киши чинакам танбалдир.

* * *

Миннатли ош татимас.

* * *

Хўпнинг ўзи билан иш битмайди.

* * *

Қўлидан иш келадиган киши ишсиз қолмайди.

* * *

Диёнатли дўст – қиёматли дўст.

* * *

Исрофгар бой бўлмас.

* * *

Ҳаёт ҳақиқатларини тан олмаган ютқизади.

* * *

Қўли қисқалик – бахиллик эмас.

* * *

Ҳурматни ҳар ким ўзи учун ўзи яратади.

* * *

Киши қанча нодон бўлса, шунча худбин ва қайсар бўлади.

* * *

Эҳтиёткорлик қўрқоқлик эмас.

* * *

Баъзилар осон кўчадиган ишни ҳам ўзлари қийинлаштириб юрадилар.

* * *

Фояни ўртага ташлаш осон – уни амалга ошириш қийин.

* * *

Ўқимай қўйган фикрлашдан ҳам тўхтайди.

"101"

"ТИЛСИЗ ЁВ"ГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Биламизки, кундалик турмушда оловнинг ўрни беқиёс, бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидалари бор. Уларга доимо амал қилинсагина ҳаётимиз бехавотир, тинч, осуда ва чиройли кечади. Биз шу оддий, аммо аҳамияти катта бўлган йўл-йўриқлардан доимо огоҳ бўлмоғимиз даркор.

Зеро, олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади. Агар биз бепарволикдан халос бўлсак, "тилсиз ёв" ҳамласи доимо даф бўлаверади. Ўтган ҳафта давомида пойтахтимизда 44 та ёнғин қайд этилган. Жумладан, Чилонзор тумани, Дийдор-7 берк кўчаси, 12-уйнинг ошхона ички ва том қисми 30 кв.м. майдони, Сергели тумани, Қўшқўрғон кўчаси, 140-уй олдида 40 кв.м, Яккасарой тумани, Бошлиқ мавзеси, 2-уй олдидаги очиқ майдонда 15 кв.м., Учтепа тумани, Чилонзор-23 даҳаси, 43-уй тўғрисида 30 кв.м. майдонларда қуруқ ўт, шохшабба ва чиқиндилар ёнган. Ёнғинларнинг тахминий сабаби — сигарета қолдиғи бўлган.

Азиз пойтахтимиз аҳолиси, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимо турар жой бинолари атрофини ўз вақтида тозаланг ва озода тутинг.

Убайдулла УТАБЕКОВ,
ЁХБ 12-ХЁХО 24-ҲЁҲҚ
кичик инспектори, катта сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Чилонзор туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ.

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2016 йилнинг 10 июнидан бошлаб 10 июль соат 18:00га қадар Чилонзор тумани, Ц-мавзе, 2/1-уй (Чилонзор туман Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар), озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислари мавжуд бўлган талабгорлар иштирок этишлари мумкин.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниб, талабгорлар томонидан муҳрланган (агар муҳр мавжуд бўлса) конвертда танлов комиссиясига тақдим этилади:

- умумий овқатланишни ташкил этиш соҳасидаги фаолияти, иш тажрибаси тўғрисида маълумотнома;
- махсус моддий-техник базаси ва озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш технологияси бўйича малакали мутахассислар мавжудлиги ҳақида маълумотнома;
- бўш айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси;
- талабгорларнинг таълим муассасаси ошхонасининг моддий-техник-базасини мустаҳкамлаш бўйича истиқбол режаси ва таклифлари;
- талабгор томонидан тасдиқланган мавсумий намунавий таомномалар.

Танлов 2016 йилнинг 21 июль куни соат 10:00да Чилонзор тумани, 1-мавзе, 9-уй манзили (66-сонли махсус меҳнат мактаби)да бошланади

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан chilonzortxtmfmtteb.zn.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 273-97-64, 287-23-75 телефонлари ҳамда chilonzor_txtb@xtv.uz электрон почта манзили орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Чилонзор туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб рақами	Манзили
1	79	Чилонзор тумани, 7-мавзе, 16-уй
2	90	Чилонзор тумани, Олмазор даҳаси
3	101	Чилонзор тумани, 19-мавзеси
4	103	Чилонзор тумани, Гагарин кўчаси, 53-уй
5	114	Чилонзор тумани, Машраб кўчаси, 60-уй
6	126	Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий Г-35 мавзеси
7	128	Чилонзор тумани, Байналмилал кўчаси, 49-уй
8	131	Чилонзор тумани, Дўмбиробод маҳалласи
9	138	Чилонзор тумани, Жилон ота кўчаси, 1-уй
10	162	Чилонзор тумани, 3-мавзе, 52-уй
11	163	Чилонзор тумани, 2-мавзе, 46-уй
12	164	Чилонзор тумани, 16-мавзе
13	168	Чилонзор тумани, 3-мавзе, 20-уй
14	173	Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 54-уй
15	178	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
16	179	Чилонзор тумани, 7-мавзе, 40-уй
17	181	Чилонзор тумани, 10-мавзе
18	182	Чилонзор тумани, 6-мавзе, 12-уй
19	183	Чилонзор тумани, 8-мавзе, 36-уй
20	184	Чилонзор тумани, 9-мавзе, 10-уй
21	188	Чилонзор тумани, 4-тор Дўмбиробод кўчаси, 1-уй
22	195	Чилонзор тумани, 16-мавзе, 10-уй
23	200	Чилонзор тумани, 20-мавзе, Катта қаҳни кўчаси
24	201	Чилонзор тумани, Тирсакобод маҳалласи, Шош кўчаси, 6-уй
25	202	Чилонзор тумани, Д20-мавзе, Катта қаҳни кўчаси
26	217	Чилонзор тумани, Д20-мавзе, Катта қаҳни кўчаси
27	232	Чилонзор тумани, Дўмбиробод маҳалласи, Гавҳар кўчаси
28	270	Чилонзор тумани, Бешқўрғон кўчаси, 6-уй
29	280	Чилонзор тумани, Гулистон даҳаси
30	281	Чилонзор тумани, Шарқ даҳаси, 6а-уй
31	66	Чилонзор тумани, 1-мавзе, 9-уй

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Тиббиёт академияси 3-клиникаси поликлиника биносини бузишга ҳамда бузишдан чиқадиган қурилиш материалларини сотишга

ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Телефон: 289-41-26

Тошкент Тиббиёт академиясининг ректорати ва касаба уюшмаси Тошкент Тиббиёт академиясининг юқумли касалликлари ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти Хамидулла Баширович Магзумовга волидаи муҳтарамаси

Муборак ая МАГЗУМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **16 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, кунининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Гарбдан секундига 5-10, кучайган ҳолда 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 28-30 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 июнда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10042 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 15.20
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ